

2011-4

Суд Фуқаролик процессуал кодексининг 283-моддаси 1-қисми талабини нотўғри талқин қилиб, қон-қардош бўлмаган шахсга нисбатан қариндошлик фактини белгилаган.

И.Макаренко М.Макаренко билан ўзи ўртасида қариндошлик фактини белгилаб, меросхўр деб топишни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 2010 йил 13 августдаги ҳал қилув қарорига кўра, И.Макаренконинг аризаси қаноатлантирилиб, унинг марҳум М.Макаренко билан қариндошлик факти белгиланган.

М.Макаренкадан қолган 2 та уйга И.Макаренко меросхўр деб топилиб, нотариал идора зиммасига И.Макаренкога ушбу мулкларга нисбатан мерос гувоҳномаси бериш мажбурияти юклатилган.

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди кассация инстанциясининг 2010 йил 16 декабрдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2011 йил 13 июндаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра, суд қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

Фуқаролик процессуал кодексининг 283-моддаси талабига кўра, фуқаролар ёки ташкилотларнинг шахсий, мулкый ҳуқуқлари вужудга келиши, ўзгариши ёки тугашига сабаб бўладиган фактларни, шу модданинг 2-қисми 1-бандига кўра, шахсларнинг қариндошлик алоқаларини аниқлайди.

И.Макаренко суддан акасининг хотини М.Макаренконинг вафотидан сўнг унинг мулкини олиш учун қариндошлик фактини белгилашни сўраган.

2008 йил 15 майда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган Олий суд Пленумининг 1991 йил 20 декабрдаги «**Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида**»ги қарорининг 7-бандида қариндошлик муносабатлари деганда, тўғри қариндошлик, бири иккинчисидан ёки бир умумий уруғдан келиб чиққан шахсларнинг қон-қариндошлиги назарда тутилиши тушунтирилган.

Қон-қариндошликнинг йўқлиги қариндошликнинг йўқлигидан далолат беради.

Мерос олиш мақсадида қариндошлик муносабатларини белгилашда судлар ворислик ҳуқуқи қонун-қоидалари билан ўрнатиладиган қариндошлик доирасидан келиб чиқишлари керак. Қонун бўйича ёки васият бўйича ворис бўлмаган шахсларнинг қариндошлик муносабатлари факти суд томонидан белгиланиши мумкин эмас.

Мерос мулк И.Макаренконинг келинойисига тегишли бўлиб, И.Макаренко келинойиси М.Макаренконинг қонун бўйича меросхўрлари таркибига кирмаслиги суднинг эътиборидан четда қолган.

ФСХ-171-11-сонли ажрими